

Хоразм воҳасида дехқончиликнинг миридан-сиригача биландиган асл бободехқонларни кўплаб учратасиз. Шундан бири уста пахтакор, хивалик Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёвдир.

Қарийб эллик йилдан буй дехқончилик қилиб келаётган қаҳрамонимизни барча бирдек ҳурмат қилади. Унинг меҳнатқашлиги воҳада обрў топишига сабаб бўлди.

Таъкидлаш керакки, Бектурди оға бошқараётган «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги 19-булим жамоаси туманда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажарди. Эл ҳирмонига 165 тонна пахта топширилиб, ҳосилдорлик 30 центнерга тўғри келди.

Суратда: Бектурди Жуманиёв теримчилар билан.

Р.ЖУМАНИЁВ (ЎЗА) олган сурат

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 6 октябр, чоршанба № 160 (1793)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов 5 октябр кун Оқсаройда АҚШ Давлат қотиб-нинг харбий-сиёсий масалалар бўйича Ўрданчиси Линкольн Блумфилдни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, минтақавий хавфсизлиги таъминлаш, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида ҳамкорлик алоқаларининг тора мустаҳкамлаши бо- раётгани таъкидланди.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболларига, минтақавий хавфсизликка, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу кун Л.Блумфилд Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев ва мудофаа вазири Қ.Ғуломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА)




ПОЛЬША МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма залида Польша Республикасининг «Бу Польша» миллий кўргазмаси очилди.

Унда ушбу мамлакатнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ва Польша Республикаси иқтисодиёт, меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазирлиги бош қотиби Яцек Пехота ушбу тадбир икки мамлакат муносабатларининг янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Кўргазмада Польшанинг машинасозлик, фармацевтика, телекоммуникация, кишлоқ хўжалик техникаси, тиббиёт жиҳозлари ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иxtисослашган олтишидан зиёд фирма ва компанияси ўз маҳсулотлари билан иш-



Ўзбекистон ва жаҳон МАҲСУЛОТ ФРАНЦИЯДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Инсон саломатлиги у истъомол қилаётган маҳсулот сифатида бевосита боғлиқ. Республикада «Маҳсулот ва хизматлари сертификатлаштириш тўғрисида» қонун қабул қилингандан кейин бу борда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

«Рамзит» хусусий фирмасига қарашли гўшт ва сўт маҳсулотларини сертификатлаш идораси 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда сифатли маҳаллий маҳсулот турларининг кўпайишига қатта ҳисса қўшиб келмоқда.

Сертификатлаш идораси айни пайтда мулкчиликнинг турли шаклидаги 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолият юритяпти.

Биргина жорий йилнинг олти ойи давомида 148 та мувофиқлик сертификати берилди. Бундан ташқари, маҳсулотларнинг амалдаги меъёр талабларини асосида ишлаб чиқарилишини таъминлаш мақсадида доимий равишда инспекцион назорат ўтказиб бориляпти. 9 та мувофиқлик сертификати бекор қилинди. Энг муҳими, сифатсиз, ёриқларга эга бўлмаган ҳамда инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар сотувдан тўхтатилди.

Сертификатлаштириш маркази истъомолчи бюртмалари билан ҳам таллабига мувофиқ бажарилишини кафолатлаш, стандарт талабларига мос бўлган самарали сифат тизimini ишлаб

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

тирок этмоқда. Шунингдек, тадбирга ушбу мамлакат ишбилармон доираларидан юздан ортиқ киши таширф бурюрган. Бу польшалик тадбиркорларнинг Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқиши тораба ўсиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари иштирокида Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигига бағишланган бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда сармоа ва савдо фаолиятини сугурталаш, хусусийлаштириш жараёнига хорижлик тадбиркорларни жалб этиш, экспортни рағбатлантириш борасида фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида уқтириб ўтганидек, лавозим курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга қанчалик уринмасин, одамлар бундай раҳбарларнинг издан чиқиб кетганини барибир сезади, билади.

Сабоклардан тўғри хулоса чиқараётган вилоят ҳокимлигининг янги раҳбарияти кадрларга нисбатан талабчанлиқни ошириб, хар иш жойида соғлом, ўзаро талабчанлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Овғи ердан узалиб қолган, одамларни эмас, кўпроқ ўз ҳузур-халоватини ўйлаётган, қонунбузарликларга йўл қўётган кимсалар фаолиятига принципиал баҳо берилмоқда.

«Бирлашган» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Зайнабхон Ашурованинг ичига чирок ёкса ёришмади. Чорва фермаси билан идора ўртасида югур-югурга тушган. Боз устига, гоҳ бош зоотехник Абдурашид Исмоиловни, гоҳ чўпонлар Тўйчибек Сотиболдиев, Солижон Чувдоновни сиқува олади. Ҳаммасига сабаб туман статистика бўлимидан қўйлар бўйича ҳисобот сўрашаётган эди. Баъзида лаббай топилмай қолди, деганлари рост экан. Хўжалик раҳбари муайян вақт саросимада қолди. Сўнг қўлига қалам олиб, қўйларни бўрилар гумдон қилгани ҳақида эртак тўқишга тутинди. Раиснинг уддабурунлиги зоотехник, чўпонларни ҳам илҳомлан тирди. Абдурашид полвон хара-

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Сарҳадсиз чўл уммонни эслатади. Қум кўни ажини ўйин қилиб, чанг пардасига ўради. Бобоқўёш заминни обдон киздиради. Бирок ўтов ичидаги салқинлик беихтиёр ажаблантиради. Бунинг боиси ўтов тепаси қалин кигиз билан ёпилган. Паст томондаги беҳисоб туйнукчалардан елдишим сабо эсиб туради. Маълумки, кигиз қўёш нуруни ўтказмайди. Ҳосил бўлган елвинзак эса ўтов ичини салқинлаштиради.

«Юз қудук» ширкат хўжалиги чўпонлари Монголбек Менглибоев ва Ойбек Шалабаевлар оила аъзолари билан шу ерда яшайди. Қозоқ аёли тўқиган ўтов ҳеч қайси санъат асаридан қолишмайди. Унинг ичидаги одми хашам, саранжом-саринишлик хурмат хиссини ўйготади. Аллақердан элас-элас эшитилаётган дўмбира саси ва қўшиқ бегоён сахро узра майин таралади.

Эрқатойим эрқалатиб эрқалайин. Эрқатойим эрқаланиб эрқалатгин. Қўшиқ дилга титроқ солади. Қайсидир унутилаётган дард озорланади. Кўнглини соғинч хисси камрайди... Монголбекнинг аёли тайёрлаган шубат (туя сўти) аломат экан, гўё вужудга ўт солади. Шубатдан-да, чўпонларнинг қайфияти, қилаётган ишлари ёқди. «Уларнинг хар бири 500-530 туёқдан қоракўл қўйини боқияпти, бу ҳазилакам ҳал эмас», - деди ҳамроҳимиз Учқудук тумани ҳокимлиги вакили Абдували Давлетов.

У ҳақ. Чўпон меҳнати оғир. Заҳматқаш бу инсонлар не-не машаққатлар эвазига бир қўйни юз, юзми мингга айлантирашапти. Аммо меҳнат қилиб кам бўлишаётган йўқ. Хар бирининг 100 дан зиёд ўз қўйлари бор. Чорвадор чорваси бўлсагина ўзини хотиржам хис этади.

Шу ҳудуддаги «Минбулок» овул фуқаролар йиғини ибратли фаолият юритмоқда. Фуқаролар йиғинига овулнинг бообўр кишиларидан бири Мустафо оға Муродов раҳнамолик қияпти. Унинг ҳаёти ўзи бир китоб. Умр зарваракларига битилган битиклар ҳавас қилишга арзғулик. Дуруст яшади. Эзгуликдан бот

ятлади. Натижада кўпнинг меҳрини ва ишончини қозонди. Усиз тўй ўтмайди, бошқа маросимлар ҳам. Хўжалик раиси Серик Алданазаров ҳамша унинг билан ҳамфикр. Иккинсининг қолаверса, бошланғич касоба уюшма қўмитаси раиси Нуртой Қулшановнинг гапи бир жойдан чиқади. Шунинг учун ҳам бу масканда меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимоси кўнгилдагидек.

Чўл шароитида яшаш қийин. Лекин улар бор имкониятдан унулим фойдаланишяпти. Овул шифохонаси, ботча, мактаб бинолари ҳашамдор

эмас. Бирок бу гўшалар таъмирланиб, зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Бундай пайтда тадбиркорлик ва фидойиликка инсон саёй-ҳаракатига сайқал беради. Бу ерда ҳам шу ҳол кузатилади. Хўжалик раҳбарининг гапига қараганда, янги мактаб биноси қурилиши бошланган. У битгач замон талабига мос мактаб бўлади. Меҳнат қиларасло ҳам бўлмайди. Меҳнатнинг юзи иссиқ. Бу хўжаликда ҳам чўпон тағби уларга бахт берди, обрў берди. Жорий йилнинг ўзида илгор чўпонлардан Мектеббой Нуртдан ур хонали уйли ва яна бир туяли бўлди. Сарсенбой Утебаев УАЗ-464 автомашинасини минди. Прибай Сарсенбаевга эса трактор берилди. Бошқа қатор чўпонлар ҳам тақдирланди.

Хали айтганимиздек, эл ўзига тўқ. Бирок йўқсиллар ҳам йўқ эмас. Жами 22 та кам таъминланган оила доимо кўпчилик эътиборида. Уларга

мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб турилибди. Маълумки, чўл минтақасида сув тақчил. Хўжалик 14 та кам таъминланган оилага ичимлик сувини бепул олиб келиб бермоқда. Хар ой 7 оилага биттадан қўй ажратилапти. Бошланғич синф ўқувчилари хўжалик ҳисобидан оватлантириляпти. Овул шифохонаси ва болалар ботчасига туя сўти (шифобахш шубат) берилляпти. Эл улуглари баҳамжихат маслаҳатлашиб ўсиб воғга етган сағир йиғитлар Жанабай Муродов ва Мохамбет Алдамжаровларни уйлантиришди. Шу йил талабалар Ирина Медетова, Гулфия Тансиқбоева, Улмишкун Раҳметоваалар учун ўқув муассасаларига контракт (ўқув шартномаси) пули ўтказилди. Яқка-ёлғиз Жабай Болаббетов олнисига ўтин ва сув келтириб берилди. Шунингдек, унинг рўзгор юмушларига қарашли учун ёрдамчилар ажратилди. Камқон хасталигига йўлиққан 12 нафар аёлга моддий ёрдам қўрсатилляпти.

Хўжаликда 571 нафар хотин-қиз бор. Уларнинг етакчиси Мериям Менгбоевадир. Мериям ташаббус билан чиқди. У ўтов тўқши ва кигиз босиш цехини очмоқчи. Умуман бу ердаги аёлларнинг қўли гул. Утовлари ва кигизлари харидорнинг бўлиши шубҳасиз. Мериямнинг гапига қараганда, уллар асосан ўз кигиз ва ўтовларини қозғисотлик дўстларга сотишарэмиш. У ёқда бунга қизиқувчилар кўп экан. Уйлаймизки, натижа ёмон бўлмайди. Дастлаб 20 нафар хотин-қиз ишга тортилбадиган бўлса, кейинчалик бу сон ошиб бориши мумкин. Бунга вақт кўрсатади. Энг муҳими, ташаббус ва ғайрат бўлса бас...

Шарофат ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

САҲРО ОДАМЛАРИ

Хайрият моддий бойликлар харакатини назорат қилувчи тафтиш гуруҳи раҳбари М.Рисаков ҳам харакатга тушди. Кейинги икки-уч йил ичда чорвада қўйлар инвентаризация - санокдан ўтказилмаганлиги юзасидан мутасадди раҳбарларни оғохлантирди.

Анча хушёр тортган раис бу ишнинг амалга ошириш юзасидан топшириқ берди. Бирок, қатор

ганлиги маълум бўлди-қўйди. С.Чувдонов зиммасида 7 миллион 265 минг 865 сўм, Т.Сотиболдиев эътиштириш 5 тонна 300 килограмм камбайб кетган. Сутчиликда ҳам аҳоил фойтда ташвишли. Боз устига, дебитор қарз борлиги фош қилинди. Ҳаммаси бўлиб «Бирлашган» ширкат хўжалигига 10 миллион 263 минг сўмдан ортиқ моддий зарар етказилганди.

Сен менга тегма, мён сенга, қабилдаги ўзаро сийлов жиний ишлар бўйича Кўргонтена туман судида интихосини топди. З.Ашурова, С.Чувдонов, Т.Сотиболдиев, А.Исмоилов, М.Рисаковлар қора қурсидан ўрин олишди. Шундан сўнг келтирилган зарар айбдорлардан тўла ундирилди. Айбдорлар қилмишларига яраша жаза олдилар.

Савол тугилади, хўш, хозирда хўжаликда чорвачилик қай аҳоилда қилди? Ана шу саволга жавоб топилмақсадида ширкатдаги чўпон-чўликлар, мутахассислар билан суҳбатлашди. Таъкидлашларинча, хўжалик раҳбари ва унга ҳамтовоқ бўлган эгри қўлларнинг қилмиши қимматга тушибди. Соҳани оёққа қўйиш қийин келмоқда. Агар 2003 йилнинг июнигача 6 тонна гўшт етиштирил-

Фельетон ўрнида

ган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу қурсаткич 700 килони ташкил этди, холос. Демак, маҳсулот етиштириш 5 тонна 300 килограмм камбайб кетган. Сутчиликда ҳам аҳоил фойтда ташвишли. Боз устига, дебитор қарз борлиги фош қилинди. Ҳаммаси бўлиб «Бирлашган» ширкат хўжалигига 10 миллион 263 минг сўмдан ортиқ моддий зарар етказилганди.

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Иқтисодий манфаатдорлик таъминлаётганлиги, пахта йиғим-теримда иштирок этаётган кишиларга қулай шарт-шароитлар яратилмаганлиги тараққиётга тўғанок бўлмоқда. 1-бригада дала шийонида бўлганимизда ҳайратландик. Дехқон оромгоҳи ёнида қиндикчи кўп жихатдан раҳбарга боғлиқ. Кўпчиликка етакчи инсон омили-кор, жонқуяр, бурч масъулиятини чуқур хис этадиган бўлсагина, ўз бахтини, ҳурсандчилигини ўзгалар гулун ҳаёти, тўқин дастурхониде деб билсагина иш олдинга босади. Бунинг асоси бўлса, моддий бойликлар хомталаш қилинса, унинг бошига «Бирлашган» ширкатининг кўни келиши тайин.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» маҳсуе мухбири

ХОМТАЛАШ

ёхуд Кўргонтена туманидаги «Бирлашган» ширкат хўжалигида 409 бош қўй-қўзи талон-тарож қилинганлигининг сабаблари ва сабоқлари

зоотехник ва раис сохта ҳисоботларни қойиллатиб қўйишибди. Улар ҳам бўш қолишмади. Тўйичи-боқимидаги 186 бош қўйдан 50 таи мажбурий сўйилган, дея уйдирма қилди. Бирок умумий қиймати бир миллион 90 минг сўмдан ортиқ гўшт маҳсулотига қарга кирим бўлганлиги ҳақида лом-мим дейлмади. Энди 2003 йил 24 июл ҳолатига кўра Солижонга тегишли 236 бош қўйи қупла-қундузи Тожоқур яёловда юлдуз кўрмай жон берганлиги ҳақидаги сатрларни ўқиб, хар қандай киши ёқа ушлаши тайин. Ахир 1 миллион 369 минг сўмлик гўшт маҳсулотига омиборга кирим қилинмай, қарга харажат қилингани номаълум бўлиб қолганидан кейин нима ҳам дейиш мумкин.

чўпонлар, ҳатто бош ҳисоботи С.Тожоқур ҳам бошликка «чал» бердилар. Қўйлар олис яёловларда эканлигини, санокдан ўтказишнинг иложи йўқлигини баҳона қилдилар. Қинғир ишининг қийини кирқ йилдан кейин ҳам билинади. Ширкат хўжалигининг 2002 йилда ўтказилган умумий ҳисоботи йиғилишида чорвадаги талон-тарожлик, қўабўямачиликлар очилиб қолди. Маълум иштирокчилари бунинг учун З.Ашуровани қаттиқ танқид остига олдилар.

Орага ҳокимлик, прокуратура аралашди. 2000-2003 йиллардаги чорвачилик аҳоли элак-элак қилинди. Оқибатда ҳисоботда 409 бош қўй юритилгани ҳолда амалда 2003 йилнинг 1 январни ҳолатига кўра бор-йўғи 16 бош қол-

ди. Бундан ортиқ сохта ҳисоботини қўйиб, раис хеч нарса-ни суритишмай, ҳужжатга жим-жимадор имзо чеқди. Чўпонлардан Т.Сотиболдиев, С.Чувдонов ўйлаб қарашса, бош

«Меҳнат шухрати» ордени соҳиблари

КАСАБАҚЎМДАН ЧИҚҚАН ОҚСОҚОЛ

Узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлининг сир-синоати кўп. Тақдир баъзан кўтилмаганда инсон иродасини имтиҳондан ўтказди. Ана шу синовларда пишган кишигина эл орасида обрў-эътиборга эришади.

Тақдир азал Гавхаройни ҳам сўлим водийдан Мирзачўл сари бошлади. Янги ташкил қилинган ҳужаликка келиб ўрнашди. Эндигина бунёд этилаётган қўрғонда аёллар ҳам оёғига керэза этик кийиб қош қорайтувчи даладан бери келмасди. Қорамгаз, чейр Гавхарой ишда ҳам, че-чанликда ҳам дугоналарини ортида қолдирарди. Бир кун уни ҳужалик раҳбари излаб келди. Иш, оилави аҳоли билан қизиққандан сўнг, фалати бир тақлифни ўртага ташлади.

— Ҳамқишлоқларимизнинг анҳиси синовларга тоб беролмади, — дея гашта узоқдан бошлади у. — Бешта бригадага ётачки ҳам, ишчи ҳам йўқ. Шу майдоннинг 100 гектарини сизга топширсам дөвдим.

— Уддасидан чиқолмайман, — дея чўрт кесди Гавхарой. — Аёл бошим билан эркаклар ололмаган ишни бажаролмасам керак.

— Сизда қатъият бор, — сўзида туриб олди Убайдулла ака. — Биз ҳам қараб турмаймиз.

Эътирозга ўрин қолмаганди. Гавхарой беш-олти аёлни ёнига олиб далани қабул қилди. Дугоналар эрта кўламадан то кузгача тер тўқиларди. Ҳужаликда биринчи бўлиб пахта топшириш режасини уддалашди. Энди ҳар йилда Гавхарой Нишонова номи тилга олинган, ундан ибрат олишга чақириб одат бўлиб қолди. Шу йили уни яна бир жамоатчилик иши — цех касабаси уюшма ташкилати ётақчиси этиб сайлашди. Қарийб ўн йил Гавхарой ана шу вазифада хизмат қилди. Бу давр унга катта мактаб бўлди. Тортинчқ, уятчан аёлдан уйдабурон, тақилотчи раҳбарга айланди.

— Худудимизда 9 та қишлоқ бор. Уларда 2985 нафар киши истиқомат қилади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Гавхарой Нишонова. — Ҳар бир хонадоннинг пасту баланди, ташвиши бегона эмас. Худудимиздаги 3 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, 2 нафар ногирон қарияга хомийлар белгиланган. Улар ҳолидан ҳар ҳафта хабар олиб тураман. 52 та кам таъминланган оила, 340 нафар кўп фарзандли хонадонларни ижтимоий муҳофазага олганмиз.

Маҳалла оқсоқоллигига бўлиб ўтган сайловга нурафшонликлар уч номзод орасидан яна ҳеч иккиланмасдан Гавхарой Нишоновани таллаб олинди. Опака ана шу ишонч, эътибор куч ато этди. Шу боис у ҳаловат нелигини билмади. Худудда маҳалла гузари барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш, улар муаммоларини ҳал этиш учун олиб-югуради. Худудда «Шарофат шанс» кичик корхонаси очилишига бошқош бўлди. Эндилкида аёллар тикувчилик, зардўзлик сирларини пухта ўрганиб, уйлариде бу азаллий касбини давом эттиришаётди.

Ишчан аёл Мирзаобод туман кенгаши депутати сифатида худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиб келаётганлардан бири. Унинг меҳнатлари, ташкилотчилиги доимо қадр топапти. Юрт истиқлоли арафасида толмас аёл ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксини «Меҳнат шухрати» ордени бегади. Бу ишонч, эътибор Гавхарой Нишоновани эл-юрт равнақи учун янада кўпроқ меҳнат қилишга ундамоқда.

Ишонч муҳбири

ОЛТИН ДАМЛАР

Давлатга пахта топшириш шартнома мажбуриятини ўн тўрт иш кунда бажарган Кеғейли туманидаги Б.Каримбердиев номи дехқон-фермер ҳўжаликлари бирлашмаси мукофотида «Дамас» автомашинаси олди.

Туман пахтакорлари ҳам 9 минг тонналик хирмон яратиб, йиллик шартнома мажбуриятини уддалади. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Раиси М.Ер-ниязов бирлашма раиси Пулат Мамбетшариповга машина калитини топширди. Бирлашма дехқонлари давлатга 2 минг тонна хомашё сотди. Саксон етти фермер ҳўжалигидан 70 таси шартнома мажбуриятини ошиғи билан бажарди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти катта аҳамият касб этмоқда. Жойларда соғлом муҳитни вужудга келтириш ҳамда кишиларнинг бир-бирларига қўмақдош, меҳр-оқибатли бўлишларида маъқур тузилманинг ўрни бекиёс.

Музработ туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 22 миллат вакиллари худуди оғанилардек товуликда истиқомат қилишмоқда. Ўзбек, рус, қозоқ, чуваш, немис, яҳудий, уйғур, украин, корейс, осетин, қўмиқларнинг тўй-ҳашами бир бўлиб кетганини кўриб ҳар қанча ҳаваслансан арзийди. Худудда Ат-Термизий, Гагарин ва А.Икромов номи маҳаллалар жойлашган бўлиб, аҳоли сони 9 минг 241 нафарни ташкил этади. Ҳар бир маҳаллада сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, телевизор ва радио тузатиш ҳамда соатсозлик устахоналари, фотостудиялар ишлаб турибди. Хусусий дўкан ва бозорчалар фаолият кўрсатмоқда.

Фуқаролар йиғини ташаббуси билан турли оммавий тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Хусусан, маҳаллаларда спорт мусобақалари, «Соғлом оила», «Обод маҳалла», «Сариштали келин», «Қизлар давраси» каби ўнлаб кўрик-танловлар кенг аънана тусини олган. Голиб иштирокчилар қимматбаҳо эсodalик соғвалари ва пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. — Йиғинимиз «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури-ни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Худудимизда

ҚАРШИ - ҚАДИМ ДУРДОНАЛАРИМИЗДАН БИРИ

(Боши 1-бетда) Юртбошимиз мана шундай улуг аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз ҳазинасига қўнган хиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш, уларнинг қадимчаларини обод этиш, тарихий обидларини таъмирлаш, кўз қорачиғидек араб-авайлаш ва келгуси авлодларга ётақчи чораларини кўриш зарурлигига муносабат эътибор қаратиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамаси шу йил 29 сентябрда қабул қилган «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида»ги қарор бу борадаги хайрли ишларнинг яна бир далилидир.

Қаршининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича Республикаси миллий комиссияси, «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси, Қашқадар вилояти ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳар тўғрисида бағишлар халқаро илмий конференция, шу-нингдек, тантанали байрам тадбири ташкил этилади. Қадимий шаҳарларимиз юбилейлари муносабати билан ҳар доим муҳим ноширлик ишларини амалга оши-

лаштирилади. Бундан ташқари, XIV асрда бунёд этилган Хўжа Ҳўбайд Жарроҳ масжиди миносини таъмирлаш, ҳовлиси ва худудини ободонлаштириш, XVI асрда тикланган Қарши қалъаси деворининг қолдиқ қисмини консервациялаш каби юмушлар ҳам кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар қандай ҳужжат, амалга оширилаётган ҳар бир чора-тадбирнинг замирида аввало инсон, унинг манфаатлари муҳимдир. Жумладан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан шайхларнинг тарихий обидларини 2004-2005 йиллар давомида таъмирлаш учун масъул этиб белгиланди. Шундай қўна обидлардан бири - «Кўкғумбаз» масжиди XIV асрда қурилган. Режага кўра ушбу ишдошта таъмирлаш ишлари икки босқичда амалга оширилди. Жорий йил охиригача масжид ва айвонлар таъмирдан чиқарилади. Кейинги босқичда - 2005 йилнинг май ойигача масжидга ёндош худудлар ободон-

Бугун барчамизга аёнки, қишлоқ ҳўжалигини фақат ва фақат... барчамизни боқадиган дехқонга, ишлаб чиқарувчига эркинлик, муносиб шароит яратиб бериш, унинг меҳнатини ўз вақтида ва одилона рағбатлантириш ҳисобидан ривожлантириш мўмкин.

(Президент Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан)

410 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратишга аҳду паймон қилган қашқадарёликлар терим суръатини сусайтирганлари йўқ. Далаларда 250 мингдан ортиқ пахтакор ва хашарчилар белига этак боғлаб, ҳосил саранжомламоқда.

Далада ишлаётганларга яратиб берилган қулай шароит, моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш тўғри ташкил этилганлиги меҳнат аҳлининг кўнра-қўн, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Воҳада биринчи бўлиб пахта сотиш шартнома режасини бажарган Шахрисабз туманидаги Улуғбек номи ширкат ҳўжалиги «Матиз» энгил автомобилли, ўнлаб пудратчи ва теримчилар телевизор, радиоприйёмник, магнитофон ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб адо этган Шахрисабз, Голибар қаторида бораётган Китоб, Яқкабоғ, Қосон, Қасби туманларида пешқадамлик боиси — меҳнат қилишига кўрсатилаётган ғам-хўрлик туфайлидир. Ширкат ва дехқон-фермер ҳўжаликларида теримчиларнинг иш ҳақлари ҳар беш кун-

Меҳнат ва рағбат

— «Аргамчиға қил қувват» деганларидек, воҳанинг бир ғуруҳ ота-хонлари хайрли ташаббус билан чиқиди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Я.Иноятов. — Қариялар йиғим-терим қатнашчиларини ўз нафақалари ҳисобидан рағбатлантириб, катта хизмат кўрсатдилар.

Муборак тумани прокурори Шерали Ашуров ташаббуси билан 12-теримда қатнашаётган Қарши иқтисодий коллежи жамоасига рангли телевизор, муслик марказ ва 120 минг сўм пул мукофоти берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Нишон туман кенгаши раҳбари Тура Раҳмонов пахтакорларга қўмақ бераётган Қарши Давлат университети ҳожирий тиллар факультети талабаларини тақдирлади. Тадбиркор раис Салтанат Маҳмудова, Феруз Ҳўжаев, Хадича Мирзаева, Азиза Қўлимураева каби теримчиларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан мукофот пули берди.

Қўлга киритилаётган ютуқларнинг асосий қилити ойил борилаётган ислоҳотлар инсон омилини юксалтиришга қаратилгани, пахтакор ва хашарчилар манфаатдорлигини кучайтириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидадир.

И.ТИЛЛАЕВ

ТЕРИМЧИЛАРГА АТАЛГАН МУКОФОТ

Мукофот фондидан 200 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар ажратилди.

Миришкор туманидаги Ўзбекистон Қарғамони Муродилла Саидов раҳбар бўлган Жейнов, Қасби туманидаги «Эл-юрт ҳўрмати» ордени соҳиб Зикрий Асроров раҳбарлик қилаётган Алишер Навоий номи ширкат ҳўжаликларида зафар маррасини эгаллаган ижарачи, механикатор ва теримчиларга «Матиз» ва «Жигули» энгил автомобиллари, рангли телевизор, видеооқчиллик, қимматбаҳо гиламлар, чинни буюмлар тўплами ва бошқа совғалар берилди.



ТОҲИР АКАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Пастдарғом туманида яшовчи Тоҳир Раҳмонов икки йил бурун «Тоҳир-Р» хусусий фирмасини ташкил этганди. Яхшигина даромад ола бошлагач, маблағининг бир қисминини хайрия ишларига сарфлашга тутинди. Жумладан, тумандаги 12-мактабни таъмирлашга бир миллион сўм ажратиб, ўн икки нафар ўқувчига ойлик стипендия тайинлади.

Яқинда цех очди. Қаровсиз ётган савдо дўконини сотиб олиб, таъмирлади ва қариялар чўқонаси очди. Енидаги бинога эса ипак ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар келтириб ўрнатди.

Натижада қирқ нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Ҳозир цехда йил охиригача етадиган хомашё жамғарилган. Жорий йилда корхонада 12 тонна ипак ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

М.КОДИРОВ (Ўза) олган сурат

Касаба уюшма ҳаёти ФАОЛИЯТДА ҚАТЪИЯТ КЕРАК

Касаба уюшма қўмитаси меҳнатқашларнинг аҳоли, шарт-шароитидан доимий хабардор бўлиши, қонун доирасидаги маслаҳатлари билан қўмақлашиши керак. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бунда касабакўм қатъият кўрсатиши тақозо этилади. Бу билан ҳодимларнинг манфаатини ҳимоя қилибгина қолмай, ўз мавқеини ҳам мустаҳкамлайди. Энг муҳини, меҳнатқашларнинг ишончини оқлайди.

Ўтган йили «Кўшработгаз» аҳоли қорхонаси ходими С.Тоғаев ишдан нотўғри бўшатилганлиги тўғрисида мурожаат қилди. Масала ўрганилганда, унинг ҳуқуқлари ҳақиқатда бузилганлиги маълум бўлди. Касабақўмнинг аралашуvidан кейин ходим ўз вазифасига тикланди.

Кўриниб турибдики, бу ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя масалалари касабакўм мажлисларида доимий муҳокама қилиниши тақозо этади. Шунингдек, тасарруфдаги қорхоналарга чиқиб, бу борадаги ишлар аҳоли ўрганилди. Зарурий-амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Қўшработ туманлари шўба қорхоналарида ойлик машошларни тўлаш кеңикаётгани маълум бўлиб қолди. Бу масала касабакўм мажлиси муҳокамасига киритилди. Мажлисга вилоят «Самар-

қандгаз» худудий газ таъминот қорхонаси бошлигининг иқтисодий масалалар бўлими мудири Н.Солиева таълиф этилди. Аҳоли таҳлил этилгач, ходимларга ишонч ҳақини ўз вақтида тўлаш имконияти мажбур эканлиги асослаб берилди. Саъй-ҳаракатимиз билан иш ҳақи тўловидаги кеңишишларга барҳам берилди.

Худди шундай йўл тутилгани боис бир қанча қорхона-наларимиздаги меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси соҳасидаги муаммоларга ечим топилди. Буларнинг ҳаммасига пухта таҳлил, масалани атрофли қаратиш, мақсаднинг аниқлиги туфайли эришилди. Эеро, биз учун ҳодимлар манфаатини рўбга чиқариш муҳимдир.

А.УЗОҚОВ, «Самарқандгаз» вилоят худудий газ таъминоти қорхонаси касабаси уюшма қўмитаси раиси

ХИВАДА ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Бино сифатли таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Жорий йилнинг апрел ойида фаолиятини бошлаган туғруқхонада ўтган давр мубай-нада 500 нафардан ортиқ гўдак дунёга келди. Аини пайтда вилоятда ягона бўлган ушбу хусусий гинекологик шифохона фаолиятини янада ривожлантиришда

турли саховаттаб ташкилотлар ҳомийлик ёрдами аямаяпти. Бу эса тиббий хизмат сифатини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Шу боис ҳам 9 нафар малакали шифокор, 14 нафар ҳамшира меҳнат қилаётган шифохона хизматидан кўпчилик мамнун.

Р.САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» муҳбири

ҲОСИЛ БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Тахтақўпри тумани дехқонлари давлатга 3 минг 200 тонна пахта сотиб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан ундади. Ҳосил байрами туманда бунёд этилган «Ойдўсқалъа» санаторийсининг очилиши тантаналарига улашиб кетди.

Тадбирда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангирбергов санаторий қурилишида фаол иштирок этган қурувчиларга миннатдорлик билдирди.

Уч қаватли санаторий замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мутахассислар фикрича, бу ердан қиладиган маъданли сув кўплаб хасталикка шифо бўлади.

«Ойдўсқалъа» дастлабки 35 нафар беморни ўз бағрига олди.

ЎЗ СЎЗИНИНГ ЭГАЛАРИ

Чимбой тумани пахтакорлари давлат қабул пунктларида олти ярим минг тонна юқори сифатли хомашё топшириб, йиллик шартнома мажбуриятини адо этди.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

Ҳозирги кунда ҳар хил айланма йўллар орқали сифати кафолатланмаган маҳсулотлар билан савдо қилаётган айрим «тадбиркорлар» йўқ эмас. Бундай тадбиркорлар ўз савдосидан келиб тушган нақд пул тушунини банкка қирим қилмайди, албатта. Ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда ушбу қарорни бажариш бўйича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, Сурхондар вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари вилоятда манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда маҳаллаларда, бозорларда тадбиркорлар ўртасида семинарлар ўтказди. Тадбир қатнашчилари экспорт-импорт операциялари ва чакана савдони амалга ошириш, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш тартиби, каби бир

катор Ш.Бўронова шундай дейди: — Энди истеъмол бозориде фақат сифати кафолатланган ва арзон маҳсулотлар билан савдо қилинади. Чунки ҳар бир тадбиркор ўзи олиб келган маҳсулотини ўзи сотади.

Ангор туман маҳаллаларида тадбиркорлар билан солиқчиларнинг юзма-юз мулоқотлари

БАНККА КИРИМ ҚИЛМАЙ


Катор қонун-қондалардан хабардор қилинди. Бу қарор моҳиятини тушуниб этган тадбиркорлар кўплаб топилди. Масалан, «Ангор буюм бозори», масъулияти чекланган жамиятида савдо қилувчи хусусий тадбир-

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Қашқадар вилоятининг Китоб тумани пахтакорлари давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига сал кам ўн минг тонна хомашё ётақчи берилди. Ҳосил юқори навларга қабул қилинди.

Туманда йиғим-терим жадал давом этапти. Пахтакорлар яна уч минг тонна пахта топшириш ниятида.

И.ТИЛЛАЕВ (Ўза)



«Берунийтумангаз» корхонасида истеъмолчиларга табиий газ етказиб беришда аҳоли тубдан яхшиланмоқда. Бу ерда кишики мавсумга тайёргарлик ишлари жадал сурьатларда олиб борилмоқда. Аҳоли хо-

надонларига газ ўлчачилар ўрнатишда ҳам кўзланган натижаларга эришилмоқда.

Суратда (чапдан) корхона раҳбари К.Кўзибоев илгор ишчилар билан.

И.ХАСАНОВ олган сурат

Турли касб эгалари

ЧИНОР ВА УНИНГ ЯПРОҚЛАРИ

Хайта шундай кишилар борки, сўхбатлашсангиз фикр доиранингиз кенгайди... мулоҳазаларингиз чуқурлашади. Дунёни бошқароқ идрок қилаётгандай бўласиз. Яқинда таълим ва фан ходимлари Наманган туман касаб ва ушма кўмитаси раиси Нейматжон Икромов билан гуллар яшнаб турган кенг майдонни айланарканмиз, қаршимиздан келаётган ва кўлига асо тугган оксоқолини кўриб тўхтадик.

булимнинг мудири бўлиб ишлаган кезларида туманда таълим-тарбия ишлари яхшиланди, мактабларнинг моддий-техника базаси мустахкамланди. Кўпалак замоний мактаб бинолари қад кўтарди.

Ахлоқ-одоб ва илм сирларини пухта эгаллаш бобида ҳам Маматқул Мавлонов оиласини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. «От изини той босар» деганларидек, унинг етти фарзанди ота изидан бориб, муаллимлик касбини эгаллашган. Набиралари ҳам боболари йўлидан боришляпти.

Баъзи бировлар оёқ ўрнига тил билан юришга ўрганган, - дейди отахон. - Улар ҳозир олий ўқув юртига кириш фақат чўнтакка, ҳамёнга боғлиқ, деб гапиряшляпти. Буларнинг ҳаммаси бекор. Масалан, ўтган йил тунда жўнатаётганлар қаторига кўшиб юборишди. Урушдан кейин М.Мавлонов бутун умрини ёш авлод тарбиясига бағишляпти. Тумандаги кўп мактабларда она тили ва адабиётдан сабоқ берди. Шу билан бир қаторда умр йўлларида кўп нарсани кўрган ташкилотчи йигит олдинига илмий бўлим мудирилик, сўнгра эса мактаб ва хўнар-техника таълими билан юрти директорлиги лавозимларида ишляди. Анча йил бу вазифаларни қўйиллаб урдалаган Маматқул ака туман халқ таълими мудириликка тайинланди.

М.Мавлонов қаерда, қандай лавозимда ишлямасин, камтарин, сергайрат ва талбабчанлигича қолди. Қарабонимиз халқ таълими

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеи ва ролини кўчатириш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий негиз яратилганлиги мамлакатимизда аёлни улуглаш тўғрисида кўрсатилган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси.

Қорақалпоқ аёли фидойи, меҳнатқаш, оқила. Меҳнатда тобланган, ҳуссасидан куч-ғайрат ёғилади. Қўларидан олов бор. Қалбида Орол тўкинларидек шиддат жўш уради. Келажакка ишончи мустаҳкам, аҳлига содиқ, имону дённатли. Ерига садқатли, вафодор. «Қирқиз» достонида тасвирланган парилар каби ибодли, Тўмариксўлат мард ва жасур. Қадқоқ қўллари билан бешик тебратиб, фарзандлар камол топтирмоқда.

Хар гал Оролбўйига борганимда табиат қийинчиликларига кўксини қалқон қилиб, кўнгил тубидаги тўғёнларини, дарду аламларини ҳаммага ҳам аён этмайдиган, кўпни кўрган онахонлар, захматқаш онасингилларни учратаман. Она диёрига фарзандидек меҳр-муҳаббат кўйган, авлод-аждодалари ҳоқийонли бағрига олган муқаддас заминни улуглаётган меҳрибон ва мушфиқ аёллар.

Мустақиллик неъматларидан мунавар бўлган истиқлол чечаклари юз очиб атрофни гўзаллик оламига чўлгамоқда. Улар бир ярим миллионлик аҳолининг ярмини ташкил этади. Меҳнат жамоасида иззатли, оилада ҳурматли.

Нукус туманидаги «Нуроний» фермер хўжалиги раҳбари Гулзира Ҳўрозбоева етиштирилган маҳсулотнинг 80 фоизини ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни моддий кўллаб-қувватлашга сарфламоқда. Тўртқўл туманидаги «Ўзбекистон» ширкатига жойлашган «Хива» дехон-фермер хўжалиги раҳбари Г. Ибодуллоева-ни ҳам сабоқ ишларга кўл урган саҳий қалбли инсон сифатида билишди. 45 гектар майдонда дехончилик қилаётган кичик жамоа аъзолари пахта, дон экинларидан ташқари ас дастурхонига сабзавот, гўшт, сўт маҳсулотлари ҳам етказиб беришляпти. Йил бошидан бери ўндан ортиқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишди.

Хўжайли туманида Рашида опа Хўсанова деган таварруқ онахон яшайди. Турмуш уртоғи темирйўл ичкиси Ибодулло ака Хўсанов билан кўша қариганлардан. Бутун умрини болаларига, оиласига бағишляпти. Сақията келин тушдири. Келинлари қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ татар сингари миллат қизлари. Тумандаги энг аҳил ва иноқ оилалардан бири. Ўнлаб фарзандлар, 40 дан ортиқ неварачеварлар қўршоғида тиң-тотув хайт кечирмоқда.

Жамиятимиз хайтининг ҳеч бир соҳаси йўқки, унда хотин-қизлар иштирок этмаётган бўлса. Аёллар нафақат оилада тарбиячи, уй бека-

си, муҳтарам она, балки ижтимоий хайтада ўз ўрни, нуфузига эга ғамхўр раҳбар, тадбиркор ва ишбилармон, ташаббускор. Жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи етакчи куч, қудрат ва нафосат соҳибаларидир.

Хўжайли педагогика коллежи ўқитувчиси Малика Бобоқонова касбига меҳр кўйган жонқуяр аёл. Раббия маскани хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида жамоада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ҳамкасблари Ҳўрозгул Турумбетова, Жумагул Ту-

лекова, Зулфия Маҳмудовалар билан ҳамкорликда «Қизлар клуби» машғулотларини янада қизиқарли ва марқоли ўтишини таъминламоқда.

Бахтли оиланинг шамшироғи Малика Бобоқонова етти ўғил-қизини тарбиялаб вояга етказган. Етук мутахассис, ёшларнинг севимли устози илмий иш билан шуғулланишга ҳам вақт топади. Тажрибали муаллимнинг «Қорақалпоғистон расмий санъатини ривожланиш йўли» рисолиси кенг жамоатчилик эътиборини қозонди.

Республиканинг Нукус шаҳрида камол топган, ҳозирги пайтда Тошкент давлат консерваториясининг иккинчи курсида ўқийётган Ойжамол Тўрамурадова аёло хулқи, зукколиги, донюлиги, ташаббускорлиги, ўқийдиган муваффақиятлари ва ноёб истеъдоди туфайли Зулфия номидаги Давлат мукофоти соғириндори бўлди.

Хотин-қизларнинг бурчи ва ҳуқуқлари, эркинликлари давлатимиз ва жонларимизни ҳимоясида. Олис Қонлиқ туманида 51 нафар ёлғиз пенсиясиз, 30 нафар етим, 150 нафар ногирон болаларга 2 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилади. Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Заври Жўмауродованинг таъкидлашча, беш мингдан ортиқ аёл пенсия ва нафақа билан таъминланмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналишига айланган, - дейди республика Ақшерилик ва гинекология илмий тадқиқот институти Нукус филиали бўлим мудири, Ўзбекистон Қарамақон Аниса Саидова. - Турмуш мажмуасида ҳар чоракда 3 мингдан ортиқ ўғил-қиз дунёга келяпти. Келажакимиз бўлган янги авлод шаклланимоқда.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси

Бир Фармон шарофати

Иштирокида тиббий-ижтимоий патронаж ходимлари томонидан Нукус, Тахтақўпир, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Чимбой, Қораўзақ, Қўнғирот, Мўйноқ туманларидан 200 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар ва ўсимир қизлар тиббий қўриқдан ўтказилди. «Она ва бола скрининг» дастури асосида олиб борилётган кенг қўламли ишлар туфайли оналар ва болалар ўлими анча озайди.

Оналар ўртасидаги ажримларнинг олдини олиш, никоҳ мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар кўмитаси «Аёл ва оила» маркази би-

тажрибаси билан ҳисса қўшган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қўнғирот электр тармоғи назоратчиси Валентина Абдулова «Фидокорона хизматлари учун» ордени, Қўнғирот туманидаги «Ауезжон» фермер хўжалиги бошлиғи Ауезжон Отамурадов, «Қорақалпоқтелеком» акциядорлик жамияти Қораўзақ тумани электр монтаж Пелрдагул Бекимбетова, Тахтақўпирдаги «Дилбар» хўсусий корхонаси бошлиғи Аймгул Жўманиёзовлар «Шўхрат» медали билан тақдирландилар.

Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол қўлиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хўнарларни ўргатиш йўлида жонқуярлик фаиллатларини кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун Беруний туманидаги 66-мактабнинг она тили ва адабиёти фани муаллими Хўржон Романова «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонини билан, Эллиққалъа туманидаги 28-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Султонова «Эл-юрт хўрмати», Амударё туманидаги 46-мактабнинг тарих фани муаллими Хўшўрй Эшқонова «Меҳнат шўхрати», Тахиятош шаҳридаги 1-мактаб директори Бибиойша Кетебоева «Дўстлик» ордени, Қўнғирот туманидаги 50-лицей-интернатнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани муаллими Саруанкан Алламуротова, Хўжайли туманидаги 29-мактаб математика фани муаллими Бибиойш Дўйсенова, Қонлиқ туманидаги 7-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Гулистон Исмоилова, Шўманай туманидаги 16-мактабнинг география фани ўқитувчиси Гулара Реймбергенова «Шўхрат» медали билан мукофотландилар.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича қабул қилган қарорини амалга ошириш бўйича аниқ дастур тузиб чиқилди. Айни пайтда махалла овулларида яшайдиган аёллар ва ўсимир қизлар ўртасида тарбиявий ишлар қўчатириляпти. Хар бир оиладаги аҳоли тургани яхшилик, соғлом турмуш тарзи, ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақиданарастлик, гўйбандлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар олиб бориляпти. Энг муҳими, хотин-қизлар кўмиталарининг иш фаолияти бевосита овуллар ва наҳадонларга кўчирилган.

«Хотин-қизлар хўжуқлари, оилада аёл камситилишини олдини олиш» мавзусидаги семинар-кеңашлари, «Ишонч», «Қўнғил», «Хўқ ва аёл», «Қайғони аёллар» марказлари томонидан уюштирилган тадбирлар ижобий самара берляпти. Бир йил ичида 9 мингдан ортиқ никоҳ қайд қилинган бўлса, ажримлар аввалгига қараганда кескин камайди.

Орбўйи аҳолиси Бердақ номидаги Давлат мукофоти лауреати, Қорақалпоғистон халқ шoirаси Гулистон Матқубовани жуда яхши билишляди. Шoirанинг «Хўжоннинг етти ранги», «Ойдин остона», «Севиб қолсин», «Бахт келтирган баҳор» ва бошқа шеърлий китоблари кўпчилигининг меҳр ва ҳурмати қозонди. Истеъдодли қалам соҳибаси ўзининг «Муҳаббат юрти» деб аталган насрий битикларида Ўзбекистоннинг буюк истикболли, замондошлари меҳнатини улуғлайди, Оролбўйи муаммоларини хал этиш хўсусида фикр юрилади.

Мамлакатимиз шимолининг олис туманларида бўлганимда Тўти момо Саъдуллоева, Рима момо Жўмауродова, Зулфия Хўжаметова, Кенжагул Сейдиазарова каби юз ёшдан ошган қарияларни учратдим. Бахти бекам онахонлар шундай доруломон қўнларга етказгани учун Оллоҳга шўкроналар айтадилар.

Ҳеч бир инсон меҳр-оқибатдан, имону дённатдан жудо бўлмасин, - дея ният қилишляди қорақалпоқ аёллари. - Хайтимиз йўллари доимо эзгулик, хидодат сари бошлайверсин. Бир-биримиздан яхши ниятларни, жайро саховатни аямайлик.

Бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратётган Оролбўйи оналарининг дуолари ижобат бўлсин. Мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва маданий юксалишга ўзининг истеъдоди, билим ва

ЁЛКИН



«Фаргона почтаси» акциядорлик жамиятининг Бағдош туман филиали 156 минг нафар туман аҳолисига почта хизмати кўрсатади. Филиал томонидан бир ойда 72 минг 600 нуска газета ва журнал ўқувчига етказиб беришмоқда. Айни пайтда тумандаги 20 та алоқа бўлимида 35 нафар хабарчилар аҳолига намуналий хизмат кўрсатмоқда. Обуна бўйича филиал вилоятда етакчи ўринда бўлиб, вазифани аёло даражада баҳариб келяпти. Суратда: малакали ходим М.Хамралиева, М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

ШИЙПОНГА «ЁР-ЁР» КЕЛДИ

Давлатга 30 минг тонна пахта сотиш ниятида баракали меҳнат қилаётган Дўстлик тумани пахтакорларининг мазмунли хордиқ чиқаришида «Фарход» хўсусий кинотеатри жамоасининг хиссаси катта бўлмоқда. «Фарход» ахли тумандаги Саркисов, Мамажон Далажонов номли, «Оқ олтин» агрохизмат марказлари худудида пахта тераётган теримчилар хўзурида кинофильмлар намойиш этишини йўлга қўйди. Вилоятда кўчма кино хизмати деярли тўхтаб қолган эди. Одамлар ҳам катта экрандаги кинони соғинган экан - дала шийпонларига томошабин сийма қолаёттир. Хорих телесериалларидан зерикан томошабинлар ўзбек киносини дурдоналарига айланган «Алишер Навойи», «Ўтган кўнлар», «Ёр-ёр» каби фильмларни катта қизиқиш билан томоша қилмоқда. (ЎЗА)

НУҚТАИ НАЗАР

Халқро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқиб, янги тахрирдаги Қонунда «содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар»гина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Депутатларнинг асосий вазифаларидан бири қонун устуворлигини таъминлашдир. Ҳозирги пайтда Қонуннинг устуворлиги демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда

ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ

тиш ҳуқуқига сийсий партиялар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва бевосита фуқаролар эга эди. Тахрир жараёнида Қонуннинг 22-моддаси учинчи қисми мана бундай тарзда талқин қилинди: «Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сийсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллик йиғинларида) кўрсатилди». Янги тахрирдаги Қонуннинг депутатликка тегишли вилоят, туман ёки шаҳар худудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилиши, бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкинлигига дахлдор қисми ўзгармади. Шунингдек, депутатликка номзодлар танлаш тартибининг сийсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари белгилаши, сийсий партиялар фақат ўз партияси аъзолари ёки партиясизларни, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари эса шахслари, у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод қилиб кўрсатишга ҳақли эканлиги, депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилиши тўғрисида қондалар ҳам сақлаб қолинди.

Бу йил - ҳокимият вакиллик органларига сайлов йили. Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи депутатлари ўз ишларининг яқинловчи босқичига киришдилар. Икки палатали парламентни шакллантиришга уч ойдан камроқ вақт қолди. Янги депутатлар, янги истикбол! Мамлакат эса ривожланишининг туб ўтиш даврига кириди.

Ҳозирги пайтда Олий Мажлис ва унинг депутатлари Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий органиларининг бутун тизимини тақомиллаштириш билан боғлиқ ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичи бўлса, ҳақиқатда турбиди.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдумида икки палатали парламент тизимига ўтиш юзасидан қарор қабул қилинган. Ўтган давр мобайнида бўлажак сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини ташкил этувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Шулардан Конституцияга тегишли ўзгаришлар киритилиб, янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу Қонун моддасининг учинчи, янги фуқаро бир вақтда ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органи депутати бўлиши мумкин эмаслигига оид қисми чиқариб ташланди. Қонуннинг 19-, 20-моддаларига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди. Масалан, илгари Қонуннинг 19-моддасида маҳаллий Кенгашларга сайловлар Олий Мажлис томонидан тайинлаши белгиланганди. 2004 йилнинг 1 июлидан қўнча қирган янги тахрирдаги Қонуннинг бу моддасида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошланганлиги депутатларнинг ваколат мuddати туғашидан қандайдан ой олдидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши кўрсатилди. Бу ҳам ўзини-ўзи демократик жараёндир. Илгари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар курс-

Юртимиз пахтакорлари диққатига! Акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК» Сизлар учун 3 ой ва 1 йил мuddатга қабул қилиниб мuddатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган «Оқ олтин», «Пахтакор», «Саховат» мuddатли омонатларини таклиф этади! Ушбу жамғарма омонатларига маблағингизни «Пахта банк»нинг истаган бўлими билан қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин. Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар! «Пахта банк» фаронлигингиз қалитидир!



Карим НОРМАТОВ, профессор (Давони бор)

Хар кунни шунака, иш вақти тугаб ҳамкасблари уйларига кетгач ҳам Анор опа ушларни қолади. Бугунги ишларни тахлил қилиб, эртанги ишларни режалаштириб олади. Уша куниям одатдагидек ўз хонасида ёлғиз ўтирганида телефон жиринглаб қолади. Ташкентда яшаётган ўғли Рашид экан.

- Ойжон, хушхабарни эшитдингизми? - деди у ҳаяжон билан.

- Йўқ, нима гап?
- Ҳозиргина эълон қилишди. Президентимиз Фармони билан сизга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилибди. Табриклайман, ойжон! Эрталаб келиндингиз ва неварангизни олиб, йўлга чиқаман. Шавкатжон ва Шахлорани олиб бораман, - деди ўғли.

Гурлан туманидаги Ибн Сино номли мактаб директори Анор Махмудова Ватанинг юксак мунософотига муносиб қўрилганидан бир кунсона, пойтахтда яшаётган фарзандлари келишидан яна чандон шодланди.

Анор Махмудова математика илмига обдон қизиқиб, уни пухта эгаллаганиданми, фарзандлари ҳам шу фанга ихлос қўйишди. Катта ўғли Рашид Оллаберганов ўрта мактабни аъло баҳолаб тамомлаб, Ташкентдек шаҳри азимда олдин олийгоҳни, кейин аспирантурага тамомлаб, муҳим мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Айни пайтда ўзи учирма бўлган кимё-технология олийгоҳида доцент лавозимида ишлаётди. Шавкатжон эса архитектура ва қурилиш институтида талабаларга сабаб бермоқда. Катта қизи Муҳаббат онаси бошқараётган мактабда мате-

ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ

матикадан дарс берапти. Кичик қизи Шахлохон эса Ташкент алоқа институтини битказиб, шу олийгоҳ қошидаги лицейда ўқитувчилик қилмоқда. Анор оловнинг турмуш ўртоғи Азамат ака ҳам педагог.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Анор опа уйига борганда қизи Муҳаббатхон отаси билан унинг ишдан қайтишини кутиб ўтирган эканлар. Қўни-қўшни, қариндошлар, оловнинг шоғирдлари бирин-кетин уни табриклар учин кириб кела бошлашди. Эртаси кун Азамат ака ҳўки сўйиб, элга ош берди. Туман ва вилоятдан раҳбарлар келиб, оловни табриклариди. Кечга бориб Рашид ва укалари етиб келишди. Охонахнинг боши осмонга етди. Байрамга байрам улашиб кетди.

Анор опа Махмудова Ватанимизнинг олий унвонига ўзининг узоқ йиллик ҳалол меҳнати билан эришди. Оловнинг мингдан ортиқ шоғирдлари бўлиб, улар мамлакатимизнинг турли жойлариди, турли жаҳонларда меҳнат қилашмоқда. У раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчиларининг кўчилиги унинг

шоғирдлари.

А. Махмудова бундан ролпа-роса қирқ йил олдин Урганч давлат педагогика олийгоҳини (ҳозирги УРДУ) имтиёзли диплом билан та-

Ифтихор

обод ва кўламазор гўшага айланди. Анор Махмудова Гурлан шаҳридаги кам таъминланган, боқувчисининг йўқотган оилалардан тез-тез хабар олар, оила бузилишлари олдини олишда, маҳаллаларда таълим-тарбияни кучайтиришда фидойилик кўрсатди. Кейинчалик туман халқ таълими бўлими муdiri вазифасида ишлади. Қисқа давр мобайнида халқ таълими тизимида ихобий силжишлар кўзга ташланди. Шундан сўнг Ибн Сино номли мактабда директорлик фаолиятини бошлади. Мактаб айни пайтда вилоятда таълим-тарбия ахши йўлга қўйилган энг ибратли таълим муассасаларининг бирига айланган.

Президентимизга минг раҳмат, камтарона меҳнатини юксак баҳолаб, олий унвонга муносиб кўрдилар. Мен бунинг муқтадирлигини шарафати деб биланман, - дейди Анор опа.

Ватанинг юксак мукофоти Анор оловнинг янги уфқларни кўзлашга ундамоқда. У энди мактабда фаиларни чўқурлаштириб ўргатадиган гуруҳлар очмоқчи. Замон талаблари асосида таълим-тарбия жаҳонидидагиди ислохотларни қўлайитириш Қаҳрамон муаллиманинг эзгу орзуси.


Э.ЭРАМТОВ,
«Ишонч» мухбири



Қарши Давлат университети қошидаги гимназияда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш учун барча имконият ишга солиняпти. Бу ерда иқтидорли ўғил-қизларга чўқурлаштирилган тарзда билим берилади. Шунингдек, дарсдан ташқари фан ва спорт тўғрақларининг мунтазам фаолият кўрсата-

ётгани ёшларни ҳам ақлан, ҳам жисмонан ётук бўлиб ўсишларида кўмак бермоқда.

Суратларда: юнон-рум кураши бўйича вилоят гилиблари С.Чориев, Х.Усмонов, Д.Чинатов; рус тили ўқитувчиси Назокат Сатторов ва дарс жараёнида.



Хабарлар оқимидан МОНОГРАФИЯ ЧОП ЭТИЛДИ

«Миллий истиқлол гоёси ва миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг долзарб муаммолари» илмий дастури доирасида қатор тўпламлар босмага тайёрланмоқда. Яқинда «Миллий гоё ва миллатлараро муносабатлар» деб номланган китоб чоп этилди.

Миллий гоё, миллий истиқлол гоёси, миллий мафкура каби масалалар кенг илмий ифодасини тогган мазкур монография мутахассислар томонидан яхши кўтиб олинди.

Зеро, республикаимизда ташкил топган миллий маданият марказлари фаолиятлари мисолида берилган тавсиялар ҳам эътиборни ўзига тортади. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳам китобда қизиқмиш уйғотлади.

ХАЛҚАРО МАКТАБ ЯНГИ БИНОДА

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган, кўнгани чет мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Талайгина хорижий мамлакатларнинг элчоналарни, ваколатхоналари очилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар туйғулган ийрик дипломатия корпус юзага келди. Бу аса уларда иш юритаётган ходимлар фарзандлари ўқшини таъминловчи ўқув даргоҳини ташкил этиш заруратини туғдирди. Шу мақсадда Ташкент халқаро мактаби очилди.

Мана шунга ҳам ўн йил бўлди. Ўзбекистон ҳукумати қўллаб-қувватлаши ҳамда мамлакатимиздаги дипломатик корпус ташаббуси билан иш бошлаган мазкур мактабда ҳозирда турли миллат фарзандлари таълим олмақда. Таълим ва тарбия ишлари Европа ва АҚШ андозалари даражасида ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, республикаимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар ваколатхоналари ходимларининг ўғил-қизлари ҳам ушбу билим даргоҳининг ўқувчилари ҳисобланади.

Халқаро мактаблар Европа Кенгаши ҳамда мактаб ва коллежалар халқаро ассоциациясининг ёрдамида иш юритаётган мактабни битирган толиби илмларнинг кўпчилиги ҳозир Гарвард, Ричмонд, Колумбия каби ийрик университетларнинг талабалари ҳисобланади.

Ташкент халқаро мактаби янги ўқув йилини кўркам ўқув корпусида бошлади. Хар томонлама кулайликларга эга бўлган бу мактаб биноси ўқувчиларга яхши совға бўлди.

ТЕАТРНИНГ ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛЛАРИ

Бундан 70 йил аввал бу санъат қошонасига асос солинган эди. Чиндан ҳам Ўзбекистон академик рус драма театри учун ўтган бу йиллар ўсиш-ўлғайиш, ижодий излаш ва камолот сари интилиш даври бўлди.

Яқинда ўзининг етмишинчи ижодий мавсумини бошлаган театр ўз мухлисларини хушнуд этиш мақсадида катта режисурани белгилаб олди. «13-сон» деб номланган янги спектакл мавсумнинг дастлабки постановкаси сифатида тақдим этилди. Уни сахналаштиришда инглиз драма турғиясига ҳос бадиий услубдан фойдаланилди.

Яна бир неча сахна асари театр репертуридан ўрин олади. Машҳур адиб Бомаршенинг «Максидис кун ёхуд Фигароннинг уйланиши» деган комедияси ҳам сахна юзини кўради. Кейинчалик «Банкрот», «Мойдодир» каби постановкалар бирин-кетин томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

А.АЛИЕВ

Масала кўндаланг қўйилади

Ишонч хар хижатдан баркамол, юксак маънавият ва интеллектуал салоҳиятга эришган шаклланишида китобнинг аҳамияти катта. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди бу соҳадарга муаммоларни бартараф этиш ва зифалари белгилаб берилган эди. Шу муносабат билан Қашқадарьда ҳам китоб савдосини ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тизимни такомиллаштириш режалари аниқ белгилаб олинганди.

Вилоятда маънавий-маърифий ишларда қийдиқ силжишлар рўй берди. Қарши шаҳридаги Саид Насафий номли кутубхона тамоман қайта таъмирланиб, янги адабиётлар келтирилди, таъминлаш жихозлари билан таъминланди, халқаро интернет тизимига уланди.

Ҳомийлар ёрдамида мактаб, ўқув муассасалари кутубхоналари зарур адабиётлар билан тўлдирилди. «Шуртангақим» мажмуаси бош директори Алишер Султоновнинг ташаббуси билан 1850 нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимларнинг фарзандларига қорхона хисобидан 15 миллион сўмлик дарслик, ўқув жихозлари олиб берилди. Қашқадарьда «Мехрибонлик» тарбияланувчиларига 1,5 миллион сўмлик адабиётлар тақдим этилди.

Давлат бюджетни хисобидан ажратилган дарсликларга 1-2-синф ўқувчиларига кутубхона халқаро ва ижара тизимида фойдаланиш учун 895 миллион сўмлик адабиётлар илм масканларига тарқатилди.

Қаршидаги «Зиё маскани» дўконига харидорлар тез-тез келиб туришади. «Китобсавдо» масъулияти чекланган жамияти республиканинг «Шарқ», «Ўқитувчи», «Меҳнат», «Чўлпон», «Ибн Сино», «Мерос», «Адолат» каби наشريётлари билан мустаҳкам боғланган. Бугунги кунда ҳар бир киши ҳисобига 222 сўмлик китоб савдоси хизмати кўрсатиляпти. Бу республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча оқим. Жорий йилда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан воҳодаги 565 та қишлоқ оммавий ва болалар кутубхоналарига 119,5 миллион сўмлик бадиий адабиётлар олиб берилди. Ҳузурда «Маънавият» нашриятининг китоб дўконлари очилди. Шаҳрисабздаги «Бонур», Китобдаги «Али Қўшчи» каби

турибди.

«Китобсавдо» масъулияти чекланган жамиятнинг моддий-техника базаси қашшоқлигича қолмоқда. Ташкилот ҳисобиди 1 та Камаз, трактор, 2 та машина бор ҳолос. Агар ташкилот замонавий «Дамас», «Отойўл» русумли автомашиналар билан

таъминланганда, воҳанинг марказдан олисда жойлашган қишлоқларида кўмак савдолар ташкил этиш имконияти яратилар эди.

Хар йили шаҳар, туман марказлари ва қишлоқларда ўнлаб замонавий савдо тармоқлари ишга тушмоқда. Лекин улар қаторида китоб дўконларини тополмайси. Шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришда янги китоб дўконларини жойлаштириш ҳисобга олинса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Аҳолининг бадиий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётларга бўлган талабини қондириш, мамлакатимиздаги нашриётлар билан алоқани янада мустаҳкамлаб, китоб махсулотлари ташвиқотини қўлайитириш давр талаби. Бу муҳим масала билан туман ҳокимлари шуғулланса ва Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими қабул қилган қарорларнинг ижроси таъминланса, хонадонларимизга китобнинг кириб боришига кенг йўл очилган бўлур эди.

Иқтисодиётимизнинг барча тизимлари бозор муносабатлари рақобатида асосланган. Китоб савдосига фақатгина савдо соҳаси деб эмас, маънавий-маърифий ва мафкуравий масала деб қараш, боқимандачилик қабул қилишдан воз кечиб, ҳақиқий китоб савдосини шакллантириш лозим. Ана шундагина харидорлар китоб дўконига қайда экан, деб излаб қўрмайдилар.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

2004 йил - Меҳр ва муруват йили «ИНСОН ВА ЗАМОН»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академия билан ҳамкорликда «Меҳр ва муруват йили» дастури доирасида «Инсон ва замон» мавзусида адабий-бадиий анжуман ўтказди.

Украина фашист босқинчиларидан озод этилганининг 60 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда уруш фахрийлари ўқитимиз Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб украинликлар ва ота-онасидан жудо бўлган бошқа миллатлар фарзандларини ўз бағрига олиб, уларга меҳр-муруват кўрсатгани ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўрғазмалар залида ўша машаққатли уруш йилларига оид фотосуратлар ва ёзишлардан иборат кўрғазма ташкил этилди.

«АРДОКЛАЙДИ СИЗЛАРНИ ВАТАН»


Ташкент Давлат иқтисодиёт университети академик лицейида «Ардоклайди сизларни Ватан» мавзусида адабий-муслиқ кеча бўлиб ўтди. Меҳр ва муруват йили бағишланган ушбу тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳўмога мутож қисминини хар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раъбари Ислам Каримов ташаббуси билан эълон қилинган Меҳр ва муруват йилида бундай хайрли ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Бу йил Ташкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг умумий ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган асарият битирувчилари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга кириди. Тадбирга ана шундай ёшлардан 120 нафари тақдир этилди ва уларга ташкилотчилар томонидан ўқув қўраллари, илмий адабиётлардан иборат совғалар топширилди.

Кеча таъкид санъаткорлар ва ёш ижроичилар иштирокидида театрлаштирилган муслиқ дастур намойиши билан ниҳоясига етди.

(УЗА)



Орадан юз эллик йил ўтгач, 1752 йилда бобурийлар «Калила ва Димна» таржимасини янгилаб, уни «Нигори дониш» номи билан қайта таржима қилдилар. XIX асрга келиб «Калила ва Димна»нинг арабча таржимаси устиди янгидан иш бошланди. Оврупода биринчилардан бўлиб «Калила ва Димна»нинг арабча танқидий матнини яратган олим франциялик Сильвестер де Саси бўлди. У 1816 йилда бу асарнинг олтинта кўлэмасини солиштириб, мукамал бир нуска яратди. Рус олимлари ҳам бу асарни XVIII аср ўрталаридаёқ таржима қилишга уринишди. Жумладан, таниқли таржимон Борис Волков 1762 йилда «Инд файласуфи Пилпийнинг алоҳий ва сиёсий қарашлари» номи билан катта сўз боши ёзиб, уни лотин тилидан рус тилига таржима қилди.

Ниҳоят, таниқли арабшунос олим Л.Шейхо 1339 йилда кўчирилган арабча ноёб кўлэмани қўлга киритди, уни 1905 йилда Байрутда нашр эттирди. Ана шун наширдан фойдаланаётган Шарқшуноси И.Кузьмин уни рус тилига таржима қилди, бироқ у вафоти туйғулди бу асарни чоп эттири олмади. Кейинчалик академик Крачковский бу таржимани чўқур тақдир қилиб, сўзбоши билан 1923 йилда босмадан чиқарди. 1934 йилда эса бу асар иккинчи мартабада нашр этилди. Орадан йигирма йиллар ўтгач, бу китоб Россияда яна камёб бўлиб, унга эҳтиҳ қўна бошлади. Шунинг ҳисобга олиб, 1957 йилда профессор Е.Бертельс сўзбошиси билан бу асар қайта дунё юзини кўрди.

Бу ноёб дурдонани ўзбек тилига биринчи мартаба ким, қачон ва қаерда таржима қилганлиги ҳақида хозиргача аниқ маълумот йўқ. Бироқ шарқшунослик фанининг ўрганили-

(Охири. Боши ўтган сонда)

ши бўйича олдинги ўринда турувчи Англияда «Калила ва Димна»нинг XIII асрга тааллуқли бир кўлэмаси сақланаётганидан хабаримиз бор. Бу кўлэмаси Британиянинг «Индия Оффиси» кутубхонасида сақланаётган бўлиб, уни Ифтихор Баҳрий ўзбекчага таржима қилган. Инглиз шарқшуноси Чарльз Эте бу таржима асар ҳақида ўз фикрини билдирган экан, Ифтихор Баҳрий мўғул ҳўқдорлари Уктой ва Мангу қонлар хизматига бўлганлигини айтди. Худди шунингдек, академик В.Бартольд ҳам Кўкон хони Худойёр-

Шарқшунослик институти каталогига «Калила ва Димна»нинг ёрқентлик Мирза Муҳаммад илтимоси билан таржима этилган яна бир кўлэмаси мавжуд бўлиб, уни саркотиб Муҳаммад Сиддик 1813 йилда кўчирган.

«Осори Имомия» уйғурлар яшайдиган маъвода ёзилганлигига қарамай, ўзбек тилига таржима қилинган. Бунинг сира ажабланишли томони йўқ, чўчки у пайтларда уйғур адабий тили Чигатой тили номи билан аталаб, барча расмий ёзув-чўзувлар ўзбек тилида олиб борилган. Шарқшунослик ин-

МАНГУ ҲИҚМАТ ОБИДАСИ

ститути кўлэмалар фондида №1238 инвентар рақам остида яна бир кўлэмаси сақланаётди. У Оллоқулхон даврида яшаб иқод этган Муҳаммад Нибё деган таржимон томонидан ўзбекчага ўйрилган. Муаллиф бу асарни таржима қилишда ўзи севиб мутлола қилиб юрган Қошифийнинг форсча таржимасига суянди, уни 1838 йилларда амалга оширди. Институт фондида «Калила ва Димна»нинг бундай кўлэмаси нусхаларидан ташқари бир неча литография нашрлари ҳам сақланган. Масалан, «Калила ва Димна» туркий» деб аталган дастлабки нашри Ташкентда Бреденбах литографиясида амалга оширилган. Уни Ҳўлом Ра-сулхўжа ўғли Ташкентнинг машҳур амалдорларидан бири бўлган Муҳаммад Мусо Исқозини ўзининг талабига мувофиқ нашр этган. Таржимасини эса қозин Фазлулло Алмайи амалга оширган. Асар гарнанд 1880 йилларда кўчириб булган бўлса ҳам, уни литографиядан чиқариш шоир ўлимидан кейин, 1898 йилларда амалга оширил-

ди. Шундан кейин Алмайи томонидан кўчирилган кўлэмаси 1902, 1913 йилларда қайта литография қилинди. Институт фондида бу дурдонани асарнинг 1900 йилда кўчирилган яна бир литография нусхаси мавжуд. Бу нусхада Хоразм шеваси аққол билиниб турса ҳам уни таржимон Алмайи таржимасидан олганлиги аққол сезилиб туради. Шундай қилиб биз мазкур тақдиротимизда мангу ҳиқмат обидасининг ҳажон бўлиб тарқалиши ҳўсусида қисқача фикр-мулохазалар билдирдик. Бу таржима асарларнинг гоёвий

ва бадиий жиҳатлари ҳўсусида алоҳида тақдирот ишлари олиб борилиши зарур. Шундоқ бўлса-да, биз мазкур ўринда, «Калила ва Димна»нинг ўзбекча таржималари турли шариғатда ўйнаган мавқеи ҳўсусида, қатор таржималарнинг ўзига ҳослиги, услубий маҳорати, оригиналлиги масалаларига қисман тегиб ўтдик. Шўбуясиз, бугунги ўзбек китобхони ҳам «Калила ва Димна»нинг энг машҳур асарлар сифатида севиб ўқийди. Гўёки, бу китоб бизга таржима эмас, балки оригинал ёзилган мустақил асардек бўлиб қолган.

Шунинг ҳам айтиш жоизки, «Калила ва Димна»нинг асл варианты асосан 14 бобдан ташкил топади. Бироқ асрлар ўтиши билан қилинган таржималарда «Калила ва Димна»га қўшимча боблар киритиб юборилган. Масалан VIII асрда бу асарни араб тилига таржима қилган Ибн Мукаффо ўзидан бир боб қўшган. Уни танқид қилиб, ўз даврида Абу Райхон Беруний «Калила ва Димна»ни келажакда ўзи таржима қилмоқчи эканлигини айтган эди. Рус тар-

Мерос

жимачилик мактабиди эса бу асарга қўшимча бешта боб киритилгани маълум.

Бизнинг ўзбек тилидаги таржималаримизда эса кичик бир муҳаддимадан ўзга қўшимча боб лова қилинмади. Шу сўзбошининг ўзидеёқ ўзбек муаллифлари, унга қўшимча қилиб киритилган боблар вазифасини ўтайдиган қисқа, иқчам, лўнда мазмунини беришга муваффақ бўлганлар. «Калила ва Димна» қадимги даврлардан то бугунги кунларимизгача ўзбек китобхоналари орасида яшаб келмоқда.

Бу ноёб дурдонани ўтмиш классикаримиз ижодида самарали таъсир кўрсатган. Навоий «Хамса» ва «Лисон-таъйр» достонларида хинд масаллар тўпламидан ижодий фойдаланган. XVIII асрда яшаган Муҳаммад Шариф Гулҳаний эса «Зарбулмасал» асарини яратишда бевосита «Калила ва Димна»нинг масал ва маталларига, қондириш, оригиналлик инюяларига суянган. Ҳамза ўзи ёзган дарслик китобига «Тошбақа билан Чаён», Абдулла Авлоний «Бўри билан қарга» масалаларини асос қилиб олган. Бугунги кунда ўзбек китобхоналари Хинд дўирида бундан икки минг еттичи йил аввал Бейдаб томонидан яратилган бу асарни яна бир марта чоп этилишини сабр-сизлик билан кутаётим.

Ўзбек китобхоналари хиндларнинг «Тўтинома» масаллар тўпламини ҳам жуда қизгин равишда қўлиб олган эдилар. Қисқаси, Ал Хоразмийлар, Берунийлар бошлаб берган илмий, адабий айнана ҳўназ давом этаётир.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

ISHONCH
Бош муҳаррир
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

Маъмурият: 700165, Ташкент шаҳри, «Бўхоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотула эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.